

Олдимизда масъулиятли ва мураккаб вазифалар турибди. Халқимизнинг келажиги, мамлакатимиз истиқболи ана шу улғувор вазифаларни нечоғли муваффақият билан адо этишимизга боғлиқ.

Президент Ислом ҚАРИМОВнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқидан

ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самардорлигини оширишда Вазирлар Маҳкамаси Умумий қисмидаги комплекснинг масъулияти катта. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро ўзаро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 11 январь куни бўлиб ўтган йиғилишида асосий эътибор мазкур комплекс ишини аниқ мақсадларга йўналтириш ва самардорлигини янада ошириш борасидаги чора-тадбирларга қаратилди.

Кенгаш йиғилишида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида кейинги йилларда мамлакатимизда макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эришилгани, халқ ҳужалигида таркибий ўзгаришлар дастури ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани, нефть-газ, тоғ-кон, озиқ-овқат, енгил саноат ва машинасозлик саноатида ишлаб чиқаришни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилаётганини таъкидлади. «Бир сўз билан айтганда, иқтисодий-тимизни янада барқарор ва изчил ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор яратилмоқда», деди Ислом Каримов.

Айни пайтда Президентимиз Умумий қисмидаги комплексига кирувчи вазирлик, кўмига, концерн, компания ва идоралар ўртасида ишни ташкил этишда ўзаро ҳамжихатлик этишмаётганидан ташвиш билдирди. «Иқтисодий ривож, унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишига қаратилиши даркор, — деди давлатимиз раҳбари. — Хар қандай тармок, хар қандай соҳа ўз натижалари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим».

Афсуски, идоралар кўпинча фақат ўз манфаатларининггина ўйлаб иш тутадилар. Тарқоқлик кучли. Умумий қисмидаги комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар ишида, иқтисодийнинг ривожланиш стратегиясини аниқлашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланс-лардан етарлича фойдаланилмаётган.

Ислом Каримов мазкур комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар, аввало, дунё иқтисодиёти тараққиёти механизмида ҳамда йўналишларини пухта ўрганиб олишлари зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Жаҳон иқтисодиётининг асоси эса эркин бозор муносабатлари, эркин рақобатдир. Президент айтмоқчи «буш жойи йўқ дунё бозоридан» ўрин эгаллаш мушкулдан мушкул иш экани ҳам тушунарли ҳол. Шу боисдан дунё бозоридан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига месо ўрини мустаҳкам эгаллаш ҳақида ўйлаш керак. Шундангина, иқтисодиётимиз том маънода юксалади.

Президент мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга яна бир масалага эътибор қаратди. Яъники, қорхоналарни, ишлаб чиқариш муассасаларини Ўзбекистон шароитига, унинг иқтисодиёти ва эҳтиёжига мослаш лозим. Афсуски, совик шўро даврида мамлакатимиз ҳудудида бизнинг эҳтиёжимиз учун мутлақо зарур бўлмаган турли қорхоналар қурилди. Улар ўртимиз эколо-гиясини ҳам, одамларимиз саломатлигини ҳам бузгани сир эмас. Бундай қорхоналар табиий ра-вишда бугун инкирозга дучор бўлаётди.

Ислом Каримов бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун устувор бўлган йўналишларни яна бир қарра таъкидлаб ўтди. Макроиктисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни из-чиллик билан амалга ошириш, кўпқилли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулк-нинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта бозорини босқич-ма-босқич эркинлаштириш бориш каби маса-лалар шулар жумласидандир. Буларнинг барча-си халқимиз фаровонлигини барқарор ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

Кенгаш йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбасари, Умумий қисмидаги комплекснинг раҳбари Р. Азимовнинг кун тартибидagi масалалар юзасидан ахбороти тингланди.

Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, Фарход АРЗИЕВ, ЎЗА мухбирлари.

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИВЕСИЯ ГАЗЕТАСИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 5 (9.502) 2001 йил 12 январь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



Дадил қадам ташлайвер, ўғлон!

Пойтахтимиздаги ёш аскарлар йиғини бошлиғи капитан Зокир Ортиқов билан суҳбатлашиб туриб, сафларни яқинда тўлдирган бу навқирон йигитларга разм соламиз.

Ёш аскарлар хар кун эрталаб жисмоний машғулотлар билан мунтазам шуғулланишади. Саф тайёргарлиги ва Низом бўйича бошқа тайёргарликларга ҳам алоҳида ўрин берилган. Айниқса, гуруҳ командири кичик лейтенант Хайрулло Маматов, унинг ўринбасари сержант Зафар Эшоновлар саф тайёргарлиги бўйича посбонларда ўқув, малака, кўнимка ҳосил бўлишида жонбозлик қилишмоқда. «Аскарларимиз бил-лимли, уқувли йигитлар. Машғулотлар ма-хали бир бора яхшилаб ўргатсанг, дарҳол илғаб олишади. Машқ қилиш натижасида қадам ташлашлари, гавдани тутишлари бир маромага келиб қолди», — дейди сержант Зафар Эшонов.

Уш аскарларнинг дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Уларнинг бўш вақтлари ҳам мароқли ўтади. Тез-тез футбол бўйича мусобақа ўтказиб турилади. Бу эса уларнинг жисмонан соғлом, бақувват бўлишларида катта омилдир.

— Муҳими, бу ўғлонларда Ватанга садоқат билан хизмат қилиш, йигитлик бур-чини шараф билан ўташга интилиш кучли. Уйлайманки, уларнинг қалбидаги бундай олижаноб туйғуларни йиғин давоми-да янада кучайтирамиз, — дейди капи-тан Зокир Ортиқов.

Валижон ЗАФАРОВ. СУРАТДА: Мустақил Ватанимиз сарҳадларни кўриқлаётган мард ўғлон — Рустам Арабов.

XVI аср саҳоси

Барча манбалардан олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

- ◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Янги йил ва Янги аср муносабати билан хорижий мамлакатларнинг раҳбарларидан самийий кутловлар келиши давом этмоқда.
- ◆ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1996-2000 йиллар давомидаги фаолияти ҳақидаги ахборот тингланди.
- ◆ Марказий банкнинг Тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси Самарқанд шаҳрида «Самарқанд» ху-сусий ёпик акциядорлик тижорат банк-ига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берди ва уни, тижорат банкларини рўйхатга олиш давлат китобиға қайд этди.
- ◆ «Оксан» халқаро жамғармасида «Она ва бола саломатлиги экологик ўлчамларда» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.
- ◆ Тошкент шаҳрида ижтимоий-ма-навий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний ақидаларга қарши курашиш борасида масжид имом-хатибларнинг ўзига хос ўрни борли-гини назарда тутиб, семинар-учрашув бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- ◆ НАТО қароргоҳида «Болкон синдро-ми» муаммосига бағишланган йи-ғилиш ўтказилди.
- ◆ Кеча Югославия ташқи ишлар ва-зир Горан Свиланович илк бор НА-Тонинг бош қароргоҳига ташриф бу-юрди.
- ◆ Европа Иттифоқи Болконда уран радиацияси тарқалиши муаммосини ўрганиш билан шуғулланувчи мах-сус комиссия гуруҳини тузишға қарор қилди.
- ◆ Кеча Кабардин-Болкар Олий суди Нальчикда «тракторист» номи билан машур бўлган энг ашаддий чечен террорчиларидан бири С. Темурбу-латов иши юзасидан суд жараёнини бошлади.
- ◆ Исроил Бош вазири Ёҳуд Барак АҚШда маъмурият алмашувиға қа-дар, яъни 20 январьда фаластинликлар билан тинчлик битими имзоланиш-ға шубҳа билдирди.
- ◆ Черногориядаги ҳукмрон Социали-стлар демократик партияси респу-блика мустақиллиги тўғрисида ре-ферендумдан олдин мамлакатда му-ддатдан илгари парламент сурди-и ўтказиш тақлифини илгари сурди.
- ◆ «Си-эн-эн» телекомпанияси асо-сисис Тед Тернер ва собиқ сенатор Сэм Нанн ярдо қуроли ва бошқа о-мавий киргин қуроллари келтириб чиқарадиган глобал таҳдидға қар-ши курашувчи ташкилот тузилганини эълон қилди.
- ◆ Кеча Биллиси метросига 35 йил тўлди. Тақдир ҳазилини қарангки, худ-ди шу кун унда иккита бахтисиз хо-ди-са рўй берди.
- ◆ Афғонистонда яшириниб юрган хал-қаро террорчи Усама бин Лодин «То-либон» ҳаракати раҳбари мулла Му-хаммад Умарға мурожаат қилиб, бо-шқа давлатға кўчиб ўтиш учун рух-сат сўради. Ҳиндистоннинг ПТИ агентли-ги тарқатган хабарға қараганда, Уса-ма бин Лодин Яманға кўчиб ўтишни режалаштирган.
- ◆ Уттар-Прадеш штатида йўловчи автобус 150 метрлик жарға қулаб туш-ди. Хабарларға қараганда, Дехли-Дидхат йўналиши бўйича қатнаётган автобуснинг ҳалокати оқибатида 6 киши ҳалок бўлди, 25 киши жиддий жараҳатланди.
- ◆ БМТ Хавфсизлик кенгаши Сьерра-Леоне ҳуқуқиматига муҳолифатда бўлган Бирлашган инқилобий фронтни ўтган йили имзолаган тинчлик битими шар-тларини бузаётганликда айблади.

ТОШКЕНТ ШАХАР ҲОКИМЛИГИДА

Меҳр-мурувват ўн кунлиги

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгашига амалий ёрдам бериш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги 458-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов 2001 йилнинг 10 январидан 20 январигача Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказиш тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Унга мувофиқ Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш бўйича комиссия таркиби ва тадбирлар режаси тасдиқ-ланди.

Туман ҳокимликлари зиммасига туманларда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлигини ўтказиш, қорхона ва ташкилотлар то-монидан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жа-мияти Тошкент шаҳар кенгаши ҳисобига маблағ туширишда, амалдаги ўрнатил-ган тартибларға риоя қилган ҳолда яқиндан ёрдам бериш, тиббий-ижтимо-ий ўқув марказида шартнома асосида

ўқитишни ташкил этиш топширилди. Хайрия йиғиш ойлгида тўпланган ма-блағлар Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жа-мияти Тошкент шаҳар кенгашининг Ўзбеки-стон Республикаси Ташқи иқтисодий фа-олият банкнинг бош амалиёт бўлими х/р: 20212000900126451001. МФО 00407, инн. 200896573 рақамиға ўтказилиши ке-рак.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар кенгашига хайрия ўн кун-лигидан туган маблағларни қатъиян режаға асосан, дори-дармон ва бошқа тиббий анжомларни харид қилишға, хай-рия тадбирларини ўтказишға ишлатили-ши белгилаб қўйилди.

Бугунги соғини
Ниятингиз ҳамроҳ бўлсин

Саховатли қалб эгалари

Томошбинларни тўғра кўтмоқда

Дастурлари

YOSHLAR, TV, 4, 30, RTP, ТВ6, НТВ, RENTV, (HT) AGT 29, Kamalab-TV

Ватан

ҳимоячиларини шарафлаймиз



Фарзандлар юрагида юрт сурати

Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланаётган бу маскан билан танишгани борганимда мени боғча катта ҳамшираси Тамара Токарева қарши олди.

— 1969 йилдан бери мазкур боғчада ишлайман. Салкам 40 йилдан бери бу боғча фаолият кўрсатмоқда. Турмуш ўртоғим (рахматли) ҳарбий эди. Мана ҳозир ўғлимиз ота изидан бораётир. Очиғи, эрим сабаб бўлиб, ҳарбий муассасага қарашли боғчага боғланиб қолдим. Мана кўриб турибсиз, шу жажжилар тарбияси ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолди. Агар билсангиз, болалар билан ишлашнинг юки ҳам оғир, гашти ҳам бўлакча, — дейди у сўхбатимиз аввалида.

Мазкур болалар боғчасининг режалари, ўтказган ва ўтказажак тадбирлари билан қизиқамиз. Йиллик режа-тадбирлар чиройли қилиб журналга қайд этилган. Амалда ҳам бари рисоладагидек. Дейлик, 2000 йилда соғлом авлод тарбиясига қаратилган турли семинарлар, саломатлик, очик эшиклар кунлари мунтазам ўтказилган. Болаларга иқтисодий, экологик тарбия беришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Масалан, ҳар хил ўйинлар мисолида бундай билимларнинг бола онгига сингиши самара бермоқда. Ҳар бир байрамни боғча жа-

моиси доимо кўтаринки руҳда ўтказишга эътибор қаратади. Масалан, биз Насиба Ганиева мураббийлик қилаётган катта гуруҳга борганимизда кичкинтойлар расм чизиш машғулотига билан банд эканлар. Секин бориб, кунт билан расм чизаётган болакайни гапга соламан:

- Исминг нима?
- Шаҳзод.
- Ниманинг суратини чизаяпсан?
- Дарахларнинг, ўтлоқзорларнинг.
- Мана буниси гулми?
- Буми? Йўқ, пахта бу.
- Яна нималарнинг расмини солишни яхши кўрасан?
- Ватаним байроғини.

Боғчада болаларга математика, тарих, инглиз тили, йўл ҳаракати қоидаларидан ҳам сабоқ бериларкан.

Спорт майдончасида жисмоний машғулотлар, «Кувноқ стартлар» мусобақаларининг тез-тез ўтказилиши болажонларнинг соғлом ва баркамол ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Мураббийларнинг айтишича, боғчага цирк, кўғирчоқ театри артистлари ҳам тақлиф қилинаркан.

Насиба опа билан сўхбатлашиб турганимизда «Меҳмон-меҳмон» ўйинига тайёрланган композиция эътиборимизни тортди. Айниқса, миллий руҳ билан суғорилганлиги қувонарлидир.

Болакайларнинг соғлом ўсиши, Ватан ҳимоясига ҳозирдан уларга замин яратиш учун қисм аскарлари қўл жанги ва ҳарбий соҳага оид қизиқарли машғулотларни келиб ўтишаркан.

Келажагимиз эгалари Муҳаббат Отамуҳамедова, Холида Камолова, Таян Сорокина, Арофат Абдуллаева каби мураббия опалари тарбиясида камол топаётган бўлишса, Дилора Матқубова, Ирина Бардачева каби ошпазларнинг ширин, тансиқ таомларидан баҳраманд бўлишаётир.

Болалар боғчасининг шарт-шароитлари билан танишар эканмиз, ҳарбий қисм томонидан етарлича ёрдам берилётганига амин бўлаемиз.

Ҳарбий қисм ҳузурдаги ушбу болалар боғчасидан қайтар эканмиз, она Ватани байроғининг суратини чизишни яхши кўрадиган болакай кўз олдимиздан кетмади. Аслида, улар Ватанини, мустақилликини ўз юракларига чи-зишмоқда, қалбларига қадаш-қозмоқда.

ЮРТ ПОСБОНЛИГИ — МУҚАДДАС БУРЧ

ҚУТЛУФ НИЯТ

Хусниддиннинг ўз йигитлик бурчини ўтаётганига ҳам 8 ойдан ошиб қолди.

Бу муддат орасида посбон йигит жанговар хизматдаги ютуқлари учун рағбатлангирди. Хатто, сўлим, кундан кунга чирой очаётган Тошкентни томоша қилишга бир неча бор командирларидан рухсат тегди. Оддий аскар Хусниддин Қозоқбоев мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи дават музейи, Шаҳидлар хотира-си ёдгорлиги мажмуи каби пойтахтнинг кўзга кўринган жойларини зиёрат қилди. Таассуротлар бир талай. Истиқлолнинг дадил одимларини Тошкент киёфасида

ҳам яна бир бор ҳис қилди у. Бобоси доим айтарди: «Болам, йилни қандай кайфиятда бошласанг охиригина бу татийди». Хўш, муддатли ҳарбий хизматни ўташда кайфиятни кўтариш, умид, ишонч ва қатъият билан жанговар тайёргарликларга киришишнинг омили нимада? Хусниддин англаб етдики, кўтаринки кайфиятнинг бош сабабчиси жанговар хизматдаги ютуқлар экан. Ютуқ эса ўз-ўзидан келмайди. Бунинг учун низоми талабларига қатъий риоя

қилиш, командирларнинг буйруқ ва кўрсатмаларини оғишмай бажармоқ даркор. Буларни яхши билган посбон — оддий аскар Х. Қозоқбоев янги асрни ўзига хос ютуқлар билан кутиб олди. Буни қарангки, йил омадли бошланиб, уни бўлима командири этиб тайинлашди.

Ҳа, юксак ишонч — масъулият ҳамдир.

2001 йилнинг қузида Хусниддин Ватан олдидаги ўз бурчини ўтаб бўлади. Аммо унинг нияти шартнома бўйича хизматга қолиш. Ватанини ҳимоя қилиш йўлидаги эзу ишларини давом эттириш. Бу ният ҳамиша унга ҳамроҳ бўлсин!

Алижон САФАРОВ.

Сўранг, жавоб берамиз



Отамдан қолган мерос бор. Оилада беш фарзандимиз. Айтишчи, шу мерос қандай тақсимланади?

А.Ашуров.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1150-моддасига биноан меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.

Маълумки, ўтган йили футболчиларимизнинг Осиё чемпионатидаги муваффақиятсизликларидан сўнг Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг раҳбарияти янгиланганди. Эшитишимизча, федерация фаолиятини замон талаблари даражасига келтириш мақсадида ҳозирда бир қанча хайрли янгиланишлар амалга ошириляётган экан. Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Н.Комилов.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон футболининг юраги ҳисобланмиш Республика футбол федерацияси фаолиятида қисқа вақт ичида кўпгина ижобий ишлар амалга ошириляётганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, федерация интернет тармоғига уланди. Халқаро алоқалар бўлими ташкил этилиб, кенг фаолият бошлади. Энг муҳими, мамлакатимиз футболдаги янгиланишлар, амалга ошириляётган ишларнинг мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон федерацияси қошида матбуот маркази очилиб, жонкуяр ва билимдон журналистлар уни бошқаришмоқда.

Қизимга дўкондан пойабзал сотиб олдим, уйга олиб келсам, унга кичиклик қилди. Буюмни дўконга қайтариб олиб борсам, пулини қайтариб беришмади, каттароғига алмаштирмаймиз, дейишди. Шу тўғрисида?

С.Азизова.

Агар дўконда худди сиз харид қилган буюмдан бўлиб, сизга маъқул бўлса, ун кун мобайнида алмаштириб олишга ҳақлисиз.

Зеро, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасида, «Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олишга жойдаги сотувчидан уни айнан шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулни қайтариб олишга ҳақли», — дейилган.

Девзира республикамиздаги энг сара ва сифатли гуруч ҳисобланади. Ушбу гуручдан қилинган ош «сайраб» кетади. Айтишчи, «Девзира» сўзи қандай маънони билдиради?

С.Сайдалиева.

Девзира гуручнинг йирик донали жайдари нави бўлиб, унинг қизғиш ва оқ рангли турлари мавжуд. Асосан, Фарғона водийсига, Ўзганда етиштирилади. Унинг номи «Дег» (қозон) ва «зеркердон» (тўлдирмоқ) каби форсий сўзлардан ташкил топган бўлиб, «Қозон тўлдирмоқ» деган маънони билдиради. Зеро, ушбу гуруч сувни жуда яхши кўтариши сабабли, унинг ошлари мазали ва жуда баракали бўлади.

ТАХРИРИЯТДАН: Эндиликда ҳар ҳафтада «Сўранг, жавоб берамиз» руқни остида сиз, ҳамшаҳарларимизни қизиқтираётган, ўйлантираётган барча масалалар бўйича малакали ҳуқуқшунослар ва мутасаддиларнинг жавобларини бериб берамиз. Ўзингизни қизиқтираётган саволлар бўйича 133-99-42 телефонида қўнғирчоқ қилишингиз мумкин.



Душанба 15

Телеомониторинг диктатга! Профиллактика мусобаботи билан душанба, 15 январь... Телеомониторинг диктатга! Профиллактика мусобаботи билан душанба, 15 январь... Телеомониторинг диктатга! Профиллактика мусобаботи билан душанба, 15 январь...

яси: «Боланинг тили», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг»...

15.00-16.00 Туркия ТЕЛЕВИДЕНИСИ. 16.00 Курсувлар тартиби. 16.05 FCN-Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)...

16.20 «Покемон». Мультсериал. 16.45 «Араш-қураш» жоржиклар премьераси. 16.55 «Хаблий касрлар»...

20.55 «Душанба кун театри». 21.30 «Петерс пол-шоу». 22.10 Шу куннинг янгиликлари. 3.00 Янгиликлар...

1.10 «Шахсий уруш» жанр-фильми. 3.00 Янгиликлар. 3.15 Футбол куръери. 8.00 «Кайфият»...

8.35 «Кинот чеккасида» саргузашти. 10.30 Теледукон. 10.30 «Хоши хумронлиги» сериали...

18.35 «Мафий фарзатер» Бадий фильм. 1-қисм. 19.45 Мусикали мозика. 20.00 Алло, Россия!

Гешанба 16

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35-17.55 ТВ-маркет. 17.05 «Килош хақида»...

9.15 «Янги авлод» студияси. «Боланинг тили», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг», «Мультиомониторинг»...

22.40 «Муслик меймонхона». 23.00 Оғиллар ва эълонлар. 23.05 «Кинонигоҳ», «Нотинг Хилл» 2-қисм...

16.00 Курсувлар тартиби. 16.05 «Мультиархалак». 16.25 «Клип-антракт». 16.30 «Вести»...

8.00, 9.00, 15.00 «Кундан-кунга». 8.45, 20.40, 00.30 «Йул назорати»...

4.00, 12.30 «Зумрад шаҳар оғиллари» мультсериали. 8-фильм. 4.30, 13.00 «Швейцариялик Робинсонлар оиласининг саргузашти» сериали (охир)...

4.00, 12.30 «Зумрад шаҳар оғиллари» мультсериали. 8-фильм. 4.30, 13.00 «Швейцариялик Робинсонлар оиласининг саргузашти» сериали (охир)...

15.00 Свердловск Давлат телевидение ва радиозаштириш компанияси намойиш этади. 15.35 «Буйсунмас Хилда» сериали...


Чоршанба 17



8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35-17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шаҳри.
8.55 «Операция англофилия».




8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар» Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Боялар уйун концерти».



17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
18.25 ТВДа сериал: «Жизв ва Вустер».




10.00 «Каргалу-ТВ».
10.30 Тонгги киносеанс.
«Паришонотир» 1-серия.
12.00 «Телехамкор».



6.00 «Хайрли тонги».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 - Янгиликлар.
9.15, 16.55 - «Хайлий каспарлар».




6.00 «Хайрли тонги».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 - Янгиликлар.
9.15, 16.55 - «Хайлий каспарлар».



6.00 «Хайрли тонги».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 - Янгиликлар.
9.15, 16.55 - «Хайлий каспарлар».



6.00 «Хайрли тонги».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 - Янгиликлар.
9.15, 16.55 - «Хайлий каспарлар».




6.00 «Хайрли тонги».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.10 - Янгиликлар.
9.15, 16.55 - «Хайлий каспарлар».


Пайшанба 18



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».




8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».




8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».




8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».



8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Дар». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси.
9.15 «Кувнок учрашуви».

Якшанба

21

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «Камалак» Болалар учун кинодастур.

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Т» дастури.
10.00 «Дар тунги»
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ахборот» Болалар учун кинодастур.

10.25, 15.15, 20.45 - «Йул назорати»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»
10.30 «Хан»
10.35 «XX асрнинг энг шов-шувли хижолатлари»

1.25 Шокиев Фозил «Анкара ташлар» дастури. 2-қисм. 1.55 Юз гулли хит.

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

13 январь - шанба (Ойнинг 20 кун).
Макур кеча-кундуздаги Ойнинг таъсир куввати инсон онгининг маънавий камолот сари

14 январь - якшанба (Ойнинг 21 кун).
Бу кун инсонда фаол ижодий ташаббуслар туғилганидан кун. Жигар ва қон ҳосил қилувчи

15 январь - душанба (Ойнинг 21 кун).
Турли адовларга учиб хавфи бор. Бунга йўл қўйсанинг, пўшаймон бўлиб юришингиз

16 январь - сешанба (Ойнинг 21/22 кун).
Шу кеча-кундуздаги Ой сайёраси таъсир кучи инсонда интеллектуал қобилиятлари

17 январь - чоршанба (Ойнинг 22/23 кун).
Макур кеча-кундуздаги қурадлиқ куч-ғайрат одами зўравонликка, бузиш, синдиришга ўндайди.

18 январь - пайшанба (Ойнинг 23/24 кун).
Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги таъсири янгилади, янгиликни яратиб билан боғлиқ бўлади.

19 январь - жума (Ойнинг 24/25 кун).
Одамни ёлғизликка, танбаликка тортадиган кун. Ойнинг шундай таъсирга берилмасликка ҳаракат қилинг.

20 январь - шанба (Ойнинг 25/26 кун).
Турли адовларга учиб хавфи бор. Бунга йўл қўйсанинг, пўшаймон бўлиб юришингиз

21 январь - якшанба (Ойнинг 26/27 кун).
Бу кун инсонда фаол ижодий ташаббуслар туғилганидан кун. Жигар ва қон ҳосил қилувчи

22 январь - душанба (Ойнинг 27/28 кун).
Турли адовларга учиб хавфи бор. Бунга йўл қўйсанинг, пўшаймон бўлиб юришингиз

23 январь - сешанба (Ойнинг 28/29 кун).
Шу кеча-кундуздаги Ой сайёраси таъсир кучи инсонда интеллектуал қобилиятлари

24 январь - чоршанба (Ойнинг 29/30 кун).
Макур кеча-кундуздаги қурадлиқ куч-ғайрат одами зўравонликка, бузиш, синдиришга ўндайди.

25 январь - пайшанба (Ойнинг 30/31 кун).
Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги таъсири янгилади, янгиликни яратиб билан боғлиқ бўлади.

26 январь - шанба (Ойнинг 31 кун).
Бу кун инсонда фаол ижодий ташаббуслар туғилганидан кун. Жигар ва қон ҳосил қилувчи

27 январь - душанба (Ойнинг 1 кун).
Турли адовларга учиб хавфи бор. Бунга йўл қўйсанинг, пўшаймон бўлиб юришингиз

28 январь - сешанба (Ойнинг 2 кун).
Шу кеча-кундуздаги Ой сайёраси таъсир кучи инсонда интеллектуал қобилиятлари

29 январь - чоршанба (Ойнинг 3 кун).
Макур кеча-кундуздаги қурадлиқ куч-ғайрат одами зўравонликка, бузиш, синдиришга ўндайди.

30 январь - пайшанба (Ойнинг 4 кун).
Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги таъсири янгилади, янгиликни яратиб билан боғлиқ бўлади.

31 январь - шанба (Ойнинг 5 кун).
Бу кун инсонда фаол ижодий ташаббуслар туғилганидан кун. Жигар ва қон ҳосил қилувчи

32 январь - душанба (Ойнинг 6 кун).
Турли адовларга учиб хавфи бор. Бунга йўл қўйсанинг, пўшаймон бўлиб юришингиз

33 январь - сешанба (Ойнинг 7 кун).
Шу кеча-кундуздаги Ой сайёраси таъсир кучи инсонда интеллектуал қобилиятлари

34 январь - чоршанба (Ойнинг 8 кун).
Макур кеча-кундуздаги қурадлиқ куч-ғайрат одами зўравонликка, бузиш, синдиришга ўндайди.

35 январь - пайшанба (Ойнинг 9 кун).
Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги таъсири янгилади, янгиликни яратиб билан боғлиқ бўлади.

36 январь - шанба (Ойнинг 10 кун).
Бу кун инсонда фаол ижодий ташаббуслар туғилганидан кун. Жигар ва қон ҳосил қилувчи

37 январь - душанба (Ойнинг 11 кун).
Турли адовларга учиб хавфи бор. Бунга йўл қўйсанинг, пўшаймон бўлиб юришингиз

38 январь - сешанба (Ойнинг 12 кун).
Шу кеча-кундуздаги Ой сайёраси таъсир кучи инсонда интеллектуал қобилиятлари

39 январь - чоршанба (Ойнинг 13 кун).
Макур кеча-кундуздаги қурадлиқ куч-ғайрат одами зўравонликка, бузиш, синдиришга ўндайди.

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

30

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

AGT

ДИҚҚАТ!

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмасининг арizasига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2000 йил 19 декабрдаги ажримига асосан 2-сонли Давлат мева-сабзавот тайёрловсавдо корхонасининг банкротлик масаласи 2001 йил 16 январь кунни соат 15.30 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносининг 2-сонли мажлислар хонасида суд процесси бўлиши муносабати билан, 2001 йил 15 январь кунни соат 11.00 да уюшма мажлислар залида корхона кредиторларининг ййгилиши бўлиб ўтади.
Уюшма манзили: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 31- уй. Тел.: 136-71-73, 133-51-56.

«Спорт-Савдо» жамоа корхонасининг таъсис ҳужжатлари Тошкент шаҳар судининг 2000 йил 24 февраль қарори билан бекор қилиниб, туман ҳўжалик судининг 1995 йил 27 февралдаги 22/22-сонли қарори давлат рўйхатига олинган ҳўжатлари (корхона низоми ва таъсис шартномаси) «Динамо1» жамоа корхонасининг таъсис ҳўжатлари деб топилиган. Шу муносабат билан ҳамда Шайхонтоҳур туман судининг 2000 йил 19 июндаги С-15-сонли хатига асосланб «Спорт-Савдо» жамоа корхонасига берилган сав-

до қилиш учун гувоҳномалари ўз кучини йўқотганлигини маълум қилади ва қуйидаги гувоҳномалар ҳам ўз кучини йўқотган деб маълум қилинади:

- 1. «Спорт-Савдо» ЖК - 240-09
2. Ҳўжмухамедов А. С. хус. тадб. - 783-09
3. Раҳимов Умид хус. тадб. - 400-09
4. Каҳоров Ж. хус. тадб. - 1024-09
5. Мирсағатов А. А. хус. тадб. - 727-09
6. Назаров Ф. Р. хус. тадб. - 839-09
7. Дадаев А. Э. хус. тадб. - 564-09
8. Хакимов А. хус. тадб. - 502-09
9. Нигаматов Р. хус. тадб. -

ДИҚҚАТ, НАЗОРАТ!
КОРХОНА ВА ТАШҚИЛОТ РАҲБАРЛАРИ
ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича Ишчи комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият қўрсатмоқда.
Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари рўй берса, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57

• Олой мавзасида (собиқ Марказ-2) жойлашган 137-67-64.
• Мен 34 йиллик иш стажига эгаман. Олий маълумотлиман. Ўқувчиларни мактабга тайёрлаш билан, уй вазифаларини бажартириш (бошланғич синф мутахассисиман). Тел. 40-36-28.

**ТЕХНИКА
ЯНГИЛИКЛАРИ**

**Янги ҳаво
лайнери**

Россия Марказий аэрогидродинамика институтидан хабар қилишларича, рус муҳандислари томонидан товушдан ўта тез учувчи қитъалараро йўловчи самолётининг лойиҳаси тайёрланган.

Яқин йиллар ичида мазкур ҳаво лайнерининг икки — «Люкс» ва «Бизнес—класс» русумларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иккала русумдаги машина бир-биридан қанотларининг тузиллиши ва двигател шовқинининг камайтириш қобилияти билан фарқ қилади.

Самолёт 8,3 минг километрга бўлган масофани тўхтамасдан учиб ўтиши мумкин. Унинг Нью-Йорккача бўлган чипта баҳоси 700 доллар атрофида белгиланиши мўжзадан, бу эса «Конкорд» самолётининг шу йўналишдаги чипта баҳосидан қарийб 3,5 марта арзондир.

**Яна бир
кашфиёт**

«Sony» корпорацияси мутахассислари ўйлаб топган янги кашфиёт кўпчиликни хайратга солади. Кўринишдан у оддий электрон соатлардан кўп фарқ қилмайд.

Аммо унинг иш фаолияти билан яқиндан танишсангиз, япон ихтирочиларига тан бермай иложингиз йўқ. Хуллас, «Sony»нинг харидорларга таклиф этаятган янги соати фақатгина вақтни кўрсатиш билан чекланиб қолмайди. У айни вақтда уяли телефон ва зифасини ҳам бажаради, бу соат-телефон ёрдамида ер шарининг исталган нуқтаси билан алоқа боғлаш, Internetга уланиб, унинг хизматидан фойдаланиши мумкин. Корпорация ўзининг янги маҳсулоти бозорда жуда харидоргир бўлишига ишонч билдириб, янги йилдан бошлаб соат-телефонларни катта миқдорда ишлаб чиқишни режалаштирган.



Биринчи кадам.

Равиль Альбеков олган сурат.

НИҲОЛ

Кўринмас калтак

Кўшнингнинг шафтолиси гўж-гўж. Баргидан ҳам кўп. Билакдек икки шохи эса, ўртадаги девор оша эгилган. «Ҳосилимдан энг», дея кўз-кўз қилади менга. Кўшни ҳаққи бор, ахир. Икки дона юмшоқкина етилганидан еб, «мазаси оғзимда қолди-я» дейишимни биламан, девор орқасидан кўшнингнинг тўнғиллагани кулоққа чалинди: «шафтолини мен парварिश қилай, хузурини кўшним кўрсин».

Ичимда: «ана холос», дедимку, кўнглимга олмадим.
— Менинг ҳовлим жаннатдек, сизники чўлдек бўлса, менга ҳам ноқулай. Токимининг узун икки новдасини баланд сўридан тушириб, ховлингизга парқиш қилсам майлими? Узумга тезроқ ёлчийсиз, — дедим кўшнимга бир кун.
Парқиш шу йилиёқ ўзини оқлади.
— Узуми оғзимга тегди, кўлингиз дард кўрмасин. —

Кўшним мендан миннатдор. Ёруғ дунёда кўшничарчиликнинг бебаҳо қаддини сўзлаб дил топишамиз.
— Токнинг илдиз томонидан ишлов озуқа берсам, сиз томондаги кўшним ҳам куч бераверади, бемалол, — дедим гап хонаси келганда.
Кўшним ғалати қараш қилди. Ранги ўзгарди. Айтган гапи эсимга тушиб кетди шекилли чамамда.
Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ХАНДАЛАР

— Айбланувчи, ҳамёнини тезда полиция маҳкамасига олиб келишингиз керак эди.
— Уша кунни маҳкамда ҳеч ким йўқ экан.
— Унда эртасига-чи?
— Эртасига эса ҳамёнда нил қолмади.

— Сиз тухумлар билан бирга

товуқни ҳам ўғирлабсиз, шундай-ми?
— Жуда тўғри. Онасини болаларидан айиргим келмади-да!

— Аввал ҳам қамалганмисиз?
— Ҳеч қачон! — йиғламсираб жавоб берди ўғри.
— Йиғламанг, бу сафар албатта қамаласиз.

— Жуда чиройли вилла экан. Бу ер ҳамшиша шундай тинч жойми? — дебои харидор.
— Ҳа! Бу йил бешта уйни ўмаршиди, учта йўловчини ўлдиршиди ва ҳеч ким ҳеч нарса эшитгани йўқ.

Русчадан Бахриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.



— Инсоф борми биродар, нега эскириб қолган нарсани сотяспиз?
— Харидорлар индамай олишяпти-ку.



— Яша хотин, сен бўлмаганда оиламизнинг холи не кечарди-а.

ДОНИШМАНДЛАР ҲАЗИНАСИДАН
**Иккинчи
дарвеш қиссаси**

(Давоми).

Бошимдан ўтган саргузаштларимни сенга баён қилдим. Энди сан ҳам ўз саргузаштларингни баён қилгил деди. Ман ҳам бошимдан кечирган барча воқеаларни аввалидан то охиригача айтиб, бу ерга келиб, хавлини қулфини бузиб кириб, маликага ғуломимни дарвозага қулф солиб кетганини гапириб, ёлгон сўзлаб, барча айбни ғулом гарданига қўганимни баён қилдим. Бу гапларни эшитиб ул йигит қулди ва айдики худонинг раҳмати сенга бўлғайки, шу ишларни хўб қилибсан, агар мени сандан рози бўлишимни хоҳласанг, мани алхол ғуломинг деб билгил ва истаган буйругингни берабер, агар шундай қилмасанг ман сандан ранжийдурман деди. Эй дарвешлар ман бир лаҳза бошимни эгиб, жим ўтирдим. Ул паҳлавон йигит айдики, алхол бориб маъшуканг олдида ўлтиргил, ғам ва аламни ўзингга яқинлаштирмагил, кўнглинг нимани хоҳласа ўшандай қилгил деб, қанча мурувват ва марҳаматлар кўргизди. Ман ул йигитнинг илтифотидан хижолатда қолиб, малика олдида келдим. Аммо ул паҳлавон филҳол кийикни терисини шилиб гўштидан қабоб қилиб, олтин лаганга солиб ҳовузнинг лабига қўйиб, ўзи даст алиф-лом қилиб таъзим қилиб турди. Шу аснода малика уйқудан ўйгонди ва ул паҳлавон йигитни ўз рўпарасида кўрди ва унга қаттиқ эътироз билдириб дедикки: биз келдик сан қаёққа кетиб эдинг. Ул йигит худди ғуломлардек бошини қўйи солиб айтур эрдикки, эй хўблар сарвари, бу ғуломдан ҳар қанча кўтохлик ўтган бўлса, қарам юзасидан авф этинг, бу ғуломни хотирига келдики агар ҳожама бирлан сиз бу ерга ташриф буюрсаларингиз, сизларга лойиқ пешқаш келтирмоқ учун но-чор сахрога бордим ва бу кийикни сайд қилиб келтирдим. Энди ихтиёр ўзларидадур, ҳарнима буюрсалар фармонбардорман деб, бошини эгиб турди.

Алқисса эй дарвешлар ул шермард бул навъ сулук қилди, ман хижолатдин яқин эрдикки ҳалок бўлсам. Аммо шул вақтда ул йигит бир кўзачада май келтириб, бир жомни тўлдириб маннинг қўлимга берди ва яна бир жомни ул нозанин санамнинг қўлига берди ва кийик қабобни келтирди. Чун ул нозанин санам ул шермарднинг қобилият ва иқтидорини кўрди, уни ўз хузурига қақириб бир жом берди, ул йигит одоб юзасидан ер ўлиб жомни қўлига олди ва нўш айлади. Алқисса эй дарвешлар бул хавлида олти ой турдик. Ул баланд ҳиммат йигит кеча-кундуз бизнинг хизматимизни қилди, хизматдан бўшаб бир лаҳза ором олмас эрди. Бир кеча хилватда ул йигит манга дедикки эй биродар агар ўн йил менинг уйимда яшасанг мен хизматингда бўлурман. Агар ўз вилоятингга боришини хоҳласанг тавфиқи илоҳий бирлан хизмат қилиб, сени ва маъшукангни манзилга етқурурман деди. Ман дедимки, сенинг жавонмардлингдин умидим бор, бинобарин умид қиладурманки отамнинг юлдига борсам, нечуким манинг ахволимдан ота ва онам беҳабардурлар. Ман лашкарни бирла шикорга чиқиб бу томонларга келгонман ва мани нима бўлганимни билмайдилар дедим.

Эй дарвешлар, ул шермард маннинг сўзларимга қулқоқ солиб туриб айдики, сандан миннатдорман ва хизматкорингман деб меҳрибонлик қилди. Яна бир кун ул нозанин санамга арз қилдим, ул ҳам ризолик берди. Ман ул шермардга айтдим, ул шермард дарҳол уч от ва уч даста яроғ ва икки хуржун жавоҳирни муҳайё қилди. Биз уч киши мукаммал бўлиб отга миниб, шаҳардин ташқарил қикдики ва ул кунки малика йўқ бўлиб эрди подшоҳ муқаррар қилган эрдикки лашқария барча дарбандларга юборилган эрди. Кечалари ҳам ухламас эрдилар. Шаҳар дарвозаларини кечаси маҳкам қилур эрдилар. Подшоҳнинг ижозатидан ташқари ҳеч кимни дарвозадин чиқармас эрдилар. Вақтки биз ул шермард билан дарвозага бордик, ул паҳлавон йигит дарвозабонларга овоз қилди ва уларни уйқудин бедор қилди ҳамда дарвозабонларга қараб амр қилди; энди дарвозани очинглар — деди. Дарвозабонлар айдиларки, сизлар ким бўлурусиз — деди. Ул шермард қулди ва айдики, магар кўр бўлдинглармуки ман паҳлавон Бехзоҳондурман ва бул йигит подшоҳнинг куёвидур ва бул подшоҳнинг қизидур. Дарвозабон айдики, кечаси эшикни подшоҳнинг рухсатисиз очмаймиз деди. Паҳлавон Бехзоҳон отдан тушиб, дарвозани қулфини очди, дарвозабонга қараб айдики эй ит, сени ўлдиганим билан нима фойда қураман, боргил ва подшоҳингга айтгилки, эй подшоҳ қизингни ва куёвингни Бехзоҳон хомий бўлиб олиб кетди дегин. Подшоҳинг айтмасинки Бехзоҳон ўғринча олиб кетибдур демасин вагарна бошингга бир шамшер урардим то жигарингача пора-пора қилур эрдим. Бориб ул золим, бемурувват подшоҳга хабар бергилки, агар хоҳласа бизни орқамиздан лашқар юборсин деди.

Алқисса эй дарвешлар, ман кўнглимда айтур эрдимки бул мард йигит шунчалик лоф урадимки? Шунча сўзлардан сўнг бизларни отимизни дарвозадин ташқари чиқарди ва ўзи орқамиздан чиқиб келди ва бизларни отимизга қамчи уриб тезлади. То субҳгача йўл юрдик. Вақтки офтоб чикди, бир улуг анҳор олдида чикдик. Ул анҳорга кўприк қилган эрдилар. Аммо икки минг лашқар кўприк бошида ўлтирур эрдилар. Ул паҳлавон шердил тигини қўлга олиб, аларга ҳамла қилди, андақ фурсатда алардин қанча одамни мажруҳ қилди ва қанча нафарини ўлдириб ва қанчасини пароканда қилди.

Сўнгра бизга ишорат қилдики, «ўтинлар» — деб, чун биз кўприкдин ўтдик, бирор фарсанг миқдорни йўл юриб эрдик, шаҳар тарафидан бир улуг гард пайдо бўлди. Бехзоҳон айдики эй азизлар, маълум бўлдики ул аблаҳ подшоҳ бизнинг орқамиздан лашқар юборибдур. Ман бориб аларни жавобини берайин, сизлар анави тепа устига чиқиб тамошо қилинларки, бу банда кофирларнинг иложини қандай қилурман — деб, равона бўлди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

(Давоми бор).

2001 – ОНАЛАР
ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

Саховатли кўнгил қаримас

Шахримизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Умар Курбонов номли болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонасида ақли заиф болалар шифо топишди ва ўқишди. Яқинда у ерда бўлди. Биз бош шифокор Ирина Савельева ва бўлим мудир Озода Умаровалар билан суҳбатлашдик. Озодаҳон бу ердаги шарт-шароитлар ҳақида шундай деди:

– Шифохонамизда болалар учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ўтоқхоналар таъмирланган. 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар гуруҳларга бўлиниб тарбияланишади. Айниқса, меҳнат дарсларига катта эътибор берилляпти. Ёшларга тикувчилик, дурадгорлик хунарлари ўргатиляпти.

Бу ерда ўқиб, шифо топувчилар ҳолидан хабар олишга уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари билан бирга қўлаб саховатли кишилар, мамлакатимиздаги элчионалар вакиллари келиб, ўз ерданларини кўрсатиляпти. Ана шундай меҳрибон кишилардан бири Шайхонтохур тумани Полиграф боши берк кўчада яшовчи маҳалла фаоли Нажмиддин Муҳиддиновдир. 75 ёшларни қоралаб қолган отахон қарийб 8 йилдан бери мазкур шифохонада бўлиб, ногирон болаларга ўз эҳсонларини бериб келяпти.

– Мана саккиз йилдирки байрамлар арафасида бу ердаги даволанувчи болаларга турли хил совға-саломлар улашиб келаман. Биринчи бор келган куним сира ёдимдан чиқмайдим. Дастлаб Соғлиқни сақлаш вазирлигига бориб Умар Курбонов номли республика асаб касалликлари шифохонаси манзилини билиб олиб, у ерга бордим. Бош шифокорга ниятимни айтдим. Ирина Алексеевна «топшириладиған эҳсон пулларини кимларга, нима учун сарфлашимизни кўриб келинг», – дея, болалар хузурига бошлади. Бу ерда 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўқиб, даволанишар экан.

Хануз Нажмиддин ота шу шифохонадаги бемор болалар олдиға тез-тез бориб, улар ҳолидан хабар олиб туради. Шундай куллари-нинг бирида у ўзи қарийб 40 йил ишлаган Чкалов номли Тошкент авиасозлик корхонасига бориб, касабга уюшмаси раисига учрашиб, нақд пулга битта ногиронлар аравачаси ажратиб беришларини илтимос қилди... Эртасигаёқ аравачалар ногирон болаларга етказиб берилди.

Биз, биргина саховатли қалб эгаси бўлган Нажмиддин Муҳиддиновнинг эзгу ишлари ҳақида тўхталдик ҳолос. Бундай инсонлар-вар кишиларга «Бор бўлинглар, яхшилар» деймиз.

Асат ФОЗИЛОВ.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?



«Кўнгил кўчалари» телесериали давом этади

Икки йил муқаддам Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Меҳробдан чаён», «Кўшчинон чироқлари», «Амир Музаффар» видеофильмларининг бош режиссёри Маҳкам Маҳамедов таниқли драматург ва ёзувчи Машраб Бобоевнинг каламига мансуб «Кўнгил кўчалари» номли кўп қисмли телесериали телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этган эди.

Инсонларнинг ҳаётий фалсафасини янада кенгайтиришга, жамиятда яшаб туриб, билиб-билмай кўнгил кўчаларига эрк беравермасликка ундовчи бу асар кўпчилиқнинг назарига тушгани шубҳасиз. Аммо маълум сабабларга қура «Кўнгил кўчалари» телесериалининг ҳамма қисмлари ишланмаган эди.

Энди маълум бўлишича, мазкур асарнинг давоми устида иш жараёни бошланбди. Яқин кунларда телетомошабинлар яна «ойна жаҳон» орқали таниқли актёрлар Файзулла Аҳмедов, Тўти Юсупова, Гўзал Ражабова, Маҳмуд Исмоилов, Марям Ихтиёровалар роль ижро этган ана шу телесериални томоша қилиш имкониятига эга бўладилар. Дарвоқе, ушбу телесериални истеъдодли тасвирчи-оператор Рафаэл Камолов суратга олмоқда.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.
СУРАТДА: (чапдан ўнгга) телесериал ижодкорлари — драматург Машраб Бобоев, бош режиссёр Маҳкам Маҳамедов ва бош тасвирчи Рафаэл Камоловлар ижодий мулоқот пайтида.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ...

Ўзини ўзи сўяди

Дунёда шунақа қобилиятга эга бўлган одамлар ҳам бор. Улар турли халқларда учрайди. Испан ва инглиз қони вужудига оқаётган Торрес хоҳлаган жойини ўткир пичоқ билан кесиб, бемалол ҳеч нарса бўлмагандек юра олади.


Торрес катта миқдордаги пулдан гаров ўйнаб, томоғига ўткир пичоқ солганда кўпчилик уни ўлиб қолса керак дейишганди. Аммо у ўлишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Буйнининг

кесилган катта қисмидан қон отилиб чиқса-да, у парво қилмайдим. Бўйни билан бирга оғзидан ҳам қон келди. Сўнг бурнидан. Шунда ҳам у хотирчан эди. Эртасига у яна ҳеч нарса қурмагандек, мўмай даромад илинжида ўз мухлислари қаршисига чиқди. Ажабланирлиси шундаки, одамлар кўз ўнгида содир бўлган кечаги пичоқ ўрни билиниб кетганди.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ
тўплади.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма



Азиз газетхон! Таърифлари баён этилган сўзлар бир хилдаги харф билан бошланиб шаклда «занжир» ҳолида ёзилади.

1. Ранг-баранг ақк этадиган коинот ҳодисаси. 2. Бўлғуси замон, давр. 3. Патлари яшил жарларга уя солувчи қуш. 4. Суяқнинг говак қисми. 5. Резина ишлаб чиқариш ашёси. 6. Шолопояда ўсувчи бегона ўт. 7. Усимликнинг гул ёки баргга айланувчи аъзоси. 8. Қавакдаги тоғ чўққиси. 9. Абдулла Қодирий асари қаҳрамони Маҳдумга қўшиб айтадиған сифат. 10. Сув киргюқларини бирлаштирувчи иншоот. 11. Чирой, гўзаллик. 12. Ҳалқоб сув. 13. Баҳаво қилиб солинган енгил иморат. 14. Инсоний фазилат, камсуюмлик. 15. Оптик асбоб. 16. Шохмат бўйича жаҳоннинг энг сўнгги чемпиони. 17. Россия Федерациясидаги вилоят маркази. 18. Янчилган дон чикити. 19. Ердан. 20. Сув транс-порти воситасини ишлаб чиқариш соҳаси. 21. Экватордан меридиан бўйлаб кетган ва даражалар билан ифодаланган масофа. 22. Газамага гул тикиш хунармандчилиги. 23. Шохмат бўйича Беларусь гроссмейстери. 24. Синик чи-зиқлар билан ўралган геометрик шакл. 25. Сайроқи, кўркам, овланадиган тоғ қуши. 26. Отинг гап бўлақларига муносабатини англаувчи тусланиши мажмуи. 27. Канададаги порт шаҳар. 28. Ишлаб чиқаришни хонадонда ташкил этиш усули. 29. Шохмат тахтасининг ҳар бир қисми. 30. Ток баргидан тайёрлан-

ган таом. 31. Ғўзанинг ҳосилга айланадиган аъзоси. 32. Мақолдан: Катта қарвон қай йўлдан кўча, ...қарвон ҳам шу йўлдан кўчар. 33. Урта аср поляк астроном олими. 34. Ҳашарот.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Китобни қўйиб ўқишда фойдаланилган жиҳоз – 15, 2, 4, 11.
2. Кўтаринки кайфият, шавқ – 7, 2, 4, 6.
3. Мақолдан: Куёш ҳавони иситар, 8, 12, 14, 16 – қалбни.
4. Уқув юртларида ёзма иш тури – 3, 9, 13, 1.
5. Еруғлик, зиё – 9, 10, 5.

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавоб сўзлари асосида харфлар билан алмаштириб муаммоноmani ҳал этинг. Улардан ҳикматли сўз ва нодир асар номини билиб оласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг 5 январь сонида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Эни: 5. Беруний. 6. Шудринг. 7. Хонгул. 10. Архар. 11. Зебра. 14. Шафак. 15. Анжир. 18. Долчин. 19. Арғумок. 20. Қарқара.

Бўйига: 1. Кенгур. 2. Китоб. 3. Сувур. 4. Ондатра. 8. Баобаё. 9. Бедана. 12. Шаршара. 13. Чибўри. 16. Довон. 17. Сирач.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Данак. 2. Метан. 3. Гилос. 4. Гул. 5. Урмон.
Ҳикмат: Одамлар ерни кўқартсалар, ер одамларни гуллатади.

02: ҲОДИСАЛАР

● **Собир Раҳимов** туманидаги Уста Олим кўчасида номаълум шахс Н.Ш.нинг буйнидаги нархи 700.000 сўмлик сариқ металлдан ясалган занжирини юлиб олиб кетган. Олиб борилган тезкор тадбир давомида ушбу жиноятни содир этган, 1981 йилда туғилган С.Н. ушланиб, ундан далилий ашё олинди.

● **Мирзо Улугбек** туманидаги «Ширин» деҳқон бозорида номаълум кимса уй бекаси М.Қурбанбекова плашининг чўнтағидан 1 950 сўм пулини ўғирлаб қочиб кетганда далилий ашё билан қўлга олинди.

● **Шайхонтохур** туманидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи пенсионер А.Комиловнинг йўлагидан электр ҳисоблагични ўғирлаб кетаётган кимса милиция ходимлари томонидан ушланди. Буюм эгасига қайтарилди.

● **Чилонзор** туманидаги Олмазор маҳалласи, 7-уй тўйхонасидан номаълум кимса эркин кириш йўли билан нархи 30.000 сўмлик алюмин қозонни ўғирлаб кетган. Хуқуқ-тартибот ходимлари Абдуллаев, Мингбаев, Великанова, Қодировлар томонидан қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этган: 1959 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Б.О. тез вақт ичда қўлга олинди.

● **Сергеи** туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг хонадонидан эшик очик қолганлиги сабабли номаълум кимса «Горизонт» телевизорни, «Чайка» кир ювиш машинасини ва «ОКА» русумли музлатгични ўғирлаб кетган. Қўрилган чора-тадбир натижасида ушбу жиноятни содир этган 1975 йилда туғилган Л.К. ушланди. Ўғирланган буюмлар эгасига қайтарилди.

● **Миробод** туманида жиноят-қидирув хизмати ходимлари Шергаев, Юматов, Ашурхонувалар томонидан ўтказилган тезкор тадбир вақтида 1962 йилда туғилган, ишламайдиган, Қўйлик-4 даҳасида яшовчи О.В.нинг хонадонидан 1,89 грамм георин гивевандлик моддаси топилди.

● **Чилонзор** туманидаги Чилонзор-Муқимий кўчалари чорраҳасида номаълум кимса «Нексия» русумли машинани бошқариб кетаётиб пиёданга уриб юборди. Натижада 1992 йилда туғилган 1-синф ўқувчиси Ю. тан жараҳати олиб чап елка суягининг ёпик синиши ташхиси билан 16-шаҳар клиник касалхонасига ётқизилди. Ҳайдовчи Ички ишлар бўлимига хабар қилмай, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан жуфтани ростилади. Қидирув ишлари натижасида шу куннинг ўзида жиноятчи-ҳайдовчи — шахримиздаги олий ўқув юртларидан бирининг талабаси, 1980 йилда туғилган Х.Ф. ушланди.

● **Шайхонтохур** туманида жойлашган «Пўлатов» хусусий фирмасига икки номаълум зўравон бостириб кириб ушбу фирма раҳбари М.П. га тегишли икки донча чарм куртқаларни тортиб олиб жуфтани ростилаганлар. Бу ҳақда зудлик билан ички ишлар идораларига хабар берилганидан сўнг осойишталик посбонлари жиноятчилар изига тушишди. Тез орада шахримизга бошқинчилик йўли билан мўмайгина пул топши ниятида келган икки жиноятчи — фарғоналик Ж.М. ва сурхондарёлик Х.К.лар қўлга олинди, уларнинг қабих фаолиятларига чек қўйилди.

● **Яккасарой** туманидаги «Сарикўл» бозорида ҳам ўғирлик жинояти содир этилди. Қоқ тунда номаълум кимса бозор худудида жойлашган «Издатхон» хусусий фирмаси биносининг томини тешиш йўли билан ичкарига кириб 100 000 сўмлик озик-овқат ва тамаки маҳсулотларини гумдон қилган. Милиция ходимларининг ўз вақтида қўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу жиноятни содир этган вояга етмаган икки ўсимир А.Б. ва Р.Р.лар ушланди. Далилий ашёлар олинди.

● **Собир Раҳимов** туманидаги хусусий уйлардан бирида истиқомат қилувчи икки ака-ука ўртасида жанжал чиққан. Узаро можаро ҳиддийлашиб кетиб, 27 ёшли К.Т. ўзидан етти ёш катта акасига пичоқ уриб, бўйин ва чап бикинига тан жараҳати етказган. Натижада жабрланувчи оғир жараҳатлар билан 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг реанимация бўлимига ётқизилди. Номард ука ҳибсга олинди.

Шўхрат ИКРОМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази ходими.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма таъвоқ объект усулида босилади. Қозғо бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
кўчалари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почташхонаси» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басма хонаси.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.